


9 АПРЕЛЬ – Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун!



Президентимизнинг тегишли қарори билан мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу сана фақат тарихий юбилей сифатида эмас, балки миллий ўзликни англаш, бой маънавий меросни чуқур ўрганиш ва уни кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган муҳим жараён сифатида қаралмоқда.



Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Сенати Раисининг
биринчи ўринбосари



Нуқтани назар

ИНҚИРОЗЛАР ДАВРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ЯНГИ МАНТИҒИ

Дунё тақдири тобора ташвишли тус олаётган замонда яшаётимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 23 сентябрь кунин БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясида «Ҳозирги кунда дунёда халқаро институтларнинг ўрни ва роли заифлашмоқда, қарама-қаршилик, низо ва урушлар кучаймоқда, технология ва ижтимоий тенгсизлик кескин ошмоқда, иқтисодий ва гуманитар инқирозлар ортиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси мутлақо янги, хавотирли геосиёсий воқеликни вужудга келтирмоқда», деган эди.

Шу боис ҳозирги халқаро вазиятда дунёдаги кескин инқироз омиллари, кўринишлари ва оқибатларини таҳлил қилиш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Глобал ривожланишнинг бугунги босқичида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, тамойиллари ва амал қилиш механизмларини аниқлаштириб олиш дипломатиямиз ва экспертлар ҳамжамияти олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

3 >>

Жорий йилнинг 1 апрелида Президентимиз «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида қатнашиб, олиб бораётган амалий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор қимматли тавсиялар бериб: «Яшил макон» лойиҳаси буйруқ эмас, топшириқ эмас, виждон ишимиз бўлиши зарурлигини қайд этиб, халқимиз азал-азалдан Наврўз кунларида, оиласида фарзанд туғилганда томорқасига, майдон ва хиёбонларга, йўл четларида яхши ният билан кўчат қадаб, гулу райхонлар экканини таъкидлади.

РАЙХОН ИФОРЛАРИ ТУТСИН ОЛАМНИ!

Райхонни жаннат гули, дейдилар. Нега деганда, райхонда ҳеч бир атирда топилмайдиган ифор бор. Бу жуда муқаддас ифор. Аналардан келди райхон ифори.

Ўзбегимнинг тонглирида фаришталар ташриф буюрадиган боғу боғчаларидан, фароғат гўшалари – сўрилар ёнидан, боболарнинг жойнамозидан, момоларнинг оқ рўмолларидан келди райхон ифори. Олис ўлкаларга борганда онамизни, юртимизнинг сўлим маҳалларини, сокин анҳорлари, зилол сувли ариқлари ўзбегимнинг ширмой нонлари бўйини соғингандек соғинамиз райхон бўйини. Юртимизда ҳовлисига, қўп қаватли уйларнинг йўлакларига, суҳбатлашиб ўтириладиган айвончалар ёнига райхон эмаган она бўлмаса керак. Боболаримиз гўдак туғилса, унинг келажакдаги ризқ-рўзи, дея мевали дарахтлар эканлар, уйларига устун бўлсин, деб терак кўчатлари ўтказганлар. Оталар қизлари туғилса, жамбиллар, райхонлар, ўсмалар уруғини ҳовлининг тўрт тарафига сочиб чиққанлар.

Бу серҳосил ерлар, хирмон далалар, Отам меҳнатидан гулга кирарди. Райхонлар, жамбиллар, хушбўй яллизлар,

Онам нафасидан тилга кирарди. Иссик нон оқизиб, олма оқизиб, Кўприқдан ариққа чўзар эдик қўл. Қўлилар мисоли, кийиклар каби, Дарёдан сув ичиб энтикарди дил. Миллий дегам келар бу тароватни. Миллий дегим келар райхон қидига. Муқаддас, муаттар насм ўралган, Ўзбек табиати, Ўзбек дидига.

Ўзбекистонимизнинг салқин сахарларини, муқаддас зиёратгоҳларини, шаҳару қишлоқларини райхонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Райхон – қадимий ўсимлик. Унинг номи ҳам қадимий бўлиб, «хушбўй хид таратувчи» маъносини беради. Райхоннинг барча турлари шифобахш. Даволаш мақсадида унинг ҳамма қисмлари – илдизи, танаси, шоҳчалари, барглари ишлатилади. Халқ табобатида кенг фойдаланилади. Кўкати дамламаси гастрит, колит, кўкйўталда йўталга қарши восита сифатида, неврозда, бош оғриғида, бронхиял астмада, ичак ва жигар иллатларида, қорин дам бўлишининг олдини олишда ишлатилади. Иштаха йўқолганда, қон босими пасайганда, буйрак ва қовуқ шамоллаганда, умумий шамоллаш ва тумовда, шунингдек,

Зулфия МҶМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

Муносабат Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш борасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларда дендрология боғларини ташкил этиш гоёси экологик барқарорлиқни таъминлашга қаратилган. Албатта, буларнинг натижасида шаҳарларда «яшил белбоғ»лар пайдо бўлади, чўлланаш ва тупроқ эрозиясининг олди олинади, биохилма-хиллик сақланади, келажак авлодлар учун соғлом табиий муҳит яратилади.

БАРЧАМИЗНИНГ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗ

Тўғри, сўнгги йилларда миллионлаб кўчатлар экилди, янги боғ ва яшил ҳудудлар ташкил этилди, давлат ва жамоатчилик ҳамкорлиги кучайтирилди. Жумладан, биз яшаётган Урганч шаҳрини боғловчи халқа йўли бўйида «Касаба уюшмаси боғи»нинг барпо этилиши айни мудоао бўлди. Бугун мазкур хиёбон ёшу қари учун сўлим ва гўзал бир масканга айланди. Энг муҳими, воҳамиз иқлим шароитида шаҳар ва қишлоқлар кўчалари, майдон ва хиёбонлари бўйлаб экилган дов-дарахтларни, майсазорларни рисоладагидек парваришlash ва ёзнинг иссиқ кунларида қуриб қолмаслиги учун астойдил ҳаракат қилиш зарур.

Дилбар БЕКЧАНОВА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси Хоразм вилояти
бўлими раиси



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

КАСАБА КИЯТ – ОДДИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИ ЭМАС

KONVERGENTLASHAYOTGAN "ISHONCH"

«Ishonch» хақида хўшхотлиқ фильм «Ishonch»нинг YouTube дини саҳифасида кўринг:

МИЗДАҲҚАН – ЎН ИККИ МИНГ ҚўРҒОНЛИ ҚАЛЪА

ИШОНЧИМИЗНИ ОҚЛАЁТГАН УМИД

Жорий йилнинг 7-8 апрель кунлари Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида Ўзбекистон ёш ижодкорларининг «Ақ-чакўл илҳомлари» анъанавий республика танлови бўлиб ўтди.

Шеърят, наср, рассомлик, мусиқа ва ижтимоий лойиҳалар йўналишларини қамраб олган танловда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг Навоий вилояти бўйича муҳбири Умид Худойкулов наср йўналишида ғолиб бўлди.

Умид ёш, умидли ижодкорлардан. У нафақат публицистикада, балки наср ва назмда ҳам муваффақиятли қалам тебратиб келаётган истеъдодли ёш жамоадорларимиздан бири.

Умиддан умидимиз катта. Келгусида журналистикада ҳам, адабиётда ҳам ўз ўрнини топиб, халқимизнинг бой маънавий меросига айланадиган асарлар ёзишига тилакдошимиз.

ТАҲРИРИЯТ



Эътироф

Илм ила кўнглинг чароғ қилгай,
Билим аҳли юксак бўлгай.
Алишер Навоий

Ички туризм

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ҳодимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан кўҳна Шаҳрисабз шаҳрига уюштирилган саёҳат тармоқ тизимидаги аъзо корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган 96 нафар меҳнатқашда унутилмас таассурот қолдирди.

ШАҲРИСАБЗГА САЁҲАТ

Саёҳат давомида иштирокчилар шаҳарнинг машҳур тарихий обидалари билан яқиндан танишдилар. Жумладан, Оқсарой, Дорут-Тиловат, Дорус-Саодат мажмуалари тарих билан танишувда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу сафар саёҳатчиларда ёрқин таассуротлар қолдирди.

Буни уларнинг самимий фикрлари ва кўзларидаги мамнуниятдан ҳам яққол англаш мумкин эди.

Абурайхон ХУҲАЕВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ҳодимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси

Фаолият

Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги «BASALT WOOL» МЧЖ кўшма корхонаси пайвандлов-чиси Фаррух Қувноқов оёғига металл устун қулаши оқибатида шифохонага ётқизилди. Уртача оғир тан жароҳати олган ишчи бир муддат меҳнат қобилиятини йўқотди. Иш берувчидан унинг фойдасига 9 миллион 600 минг сўм ундирилди.

Кўнгилисиз Ҳодисалар Бўлмайдими, Агар...

Бу каби бахтсиз ҳодисалар Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳодимлари касабаси уюшмаси Жиззах вилояти бирлашган қўмитаси ташкил этган йиғилишда атрофлича таҳлил қилинди. Шу асно бошланғич касабаси уюшмалари раислари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандисларига жамоаларда техника хавфсизлигига оид камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Тадбирда корхоналарда ҳаво ифлосланишининг олдини олиш, касб касалликларини текшириш ва ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини самарали таъминлаш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Бу каби тарғибот тадбирлари корхона ва тадбиркорлик субъектларида ҳам ўтказилаётган.

Мамадали ҚУЛБОЕВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳодимлари касабаси уюшмаси Жиззах вилояти бирлашган қўмитаси раиси

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ХАТОСИ 40 МИЛЛИОНГА ТУШДИ

Инсон қадр ва унинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – бугунги ислохотларнинг бош мезони. Аммо ҳали-ҳануз қонунни ҳам, жамоа шартномасини ҳам «бир парча қоғоз» деб биладиган раҳбарлар учраб турибди. Қува туманидаги ҳолат унга яққол мисол бўла олади.

Каримжон Қурбонов ва Хуррамбек Ўлмасов кўп йиллардан буён туман мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари сифатида ишлаб келишганди. Бироқ қутилмаганда Қува тумани Мудоффа ишлари бўлими улар билан тузилган меҳнат шартномасини «етарли малакага эга эмас» ва «меҳнат интизомини мунтазам бузиш» каби важлар билан бир томонлама бекор қилди.

Бундан норози бўлган ҳодимлар Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат йўллашди.

Ўрганишлар мобайнида маълум бўлишича, иш берувчи энг муҳим талаб – ҳодимларни ишдан бўшатишда касабаси уюшмасининг розилигини олишни «унутган». Ваҳоланки, жамоа шартномасида иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касабаси уюшмаси ҳуқуқсизлиги олиниши шартлиги аниқ белгилаб кўйилган.

Низо судгача етиб борди. Судда иш берувчи ўз қарорининг қонунийлигини на ҳужжат, на мантқиқий далиллар билан асослаб бера олди. Оқибатда, буйруқ гайриқонуний деб топилиб, бекор қилинди.

Шу тариқа Каримжон Қурбонов ва Хуррамбек Ўлмасов аввалги ишига тикланди. Шунингдек, мажбурий бекор юрган қунари ва маънавий зарар учун иш берув-

чидан ҳар бирига 20 миллион 402 минг сўмдан, жами 40 миллион 804 минг сўм товон пули ундириш белгиланди.

– Муаммони судгача олиб бормаслик мақсадида иш берувчи билан музокара ўтказдик. Аммо фойдаси бўлмади, – дейди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши бош юриконсулти Мансуржон Усмонов. – Бу ҳолат бошқа иш берувчиларга сабоқ бўлиши керак. Зеро, ҳодимлар тақдирини билан ўйнашиш нафақат маънавий, балки жиддий молиявий йўқотишларга ҳам олиб келади.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»



Шерободлик Феруза Нормуродова иш берувчининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига мурожаат қилди. Аризасида ўзига нисбатан ноқонуний равишда интизомий жазо қўлланганини билдириб, уни бекор қилишда ёрдам сўради.

ЎҚИТУВЧИ ҲАҚИНИ ОЛДИ

Ўрганишлар мобайнида маълум бўлишича, Ф.Нормуродова 2013 йилдан буён Шеробод туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ишлаб келмоқда. 2025 йил 18 декабрь куни ишга сабабсиз келмагани ваки билан унга нисбатан «ҳайфсан» интизомий жазоси қўлланган.

Иш берувчининг тушунтиришича, ўша куни ўқитувчи 2 соатга жавоб олган бўлса-да, қолган дарсларини ўтмагани учун далолатнома тузилиб, интизомий жазо тайинланган. Ф.Нормуродованинг тушунтиришига кўра эса, у ўша куни мактаб директоридан жавоб олган ва соғлиги ёмонлашгани туфайли ишга келолмаган.

Меҳнат кодексининг 313-моддасига биноан, жазо қўллашдан олдин ҳодимдан ёзма тушунтириш хати олиниши керак. Иш берувчи шу талабни бажармай, хатога йўл қўйган. Шу боис фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига даъво-ариза киритдик. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, буйруқ бекор қилинди. Шунингдек, иш берувчи зиммасига Ф.Нормуродовага 6 миллион сўм маънавий зарар тўлаш мажбурияти юклатилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



Касабаси уюшмаси фидойилари

Таълим ва фан ҳодимлари касабаси уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси Акмалжон Умаровнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти ва бугунги масъулиятли вазифадаги хизматлари ўзига хос ибратнома, халқ ишончини оқлаш борасидаги машаққатли, аммо шарафли йўлдир.

ҚАЛЪЛАРГА ЙЎЛ ИЗЛАБ...

1997 йилда Наманган санот технология институтини муҳандис-технолог мутахассислиги бўйича таъминлаган 23 ёшли йиғитнинг тақдирини бутунлай бошқа соҳада – инсон қалби, ижтимоий адолат ва жамоатчилик ташвишлари билан уйқатиш кетди. 1999-2004 йилларда у Халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгаши депутати сифатида, 1997-2008 йилларда Ўзбекистон халқ демократик партияси Наманган шаҳар кенгашида маъсул вазифарларда ишлаб, тажриба орттирди. 2008 йилдан эътиборан, меҳнат фаолияти касабаси уюшмалари билан боғланди. Дастлаб Наманган вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг Ташкилий ишлар бўлими мудири, сўнгра Таълим, фан ва маданият ҳодимлари касабаси уюшмасининг Наманган вилояти кенгаши мутахассиси вазифарларини бажарди. 2021 йил 22 февралдан Наманган шаҳар кенгаши раиси лавозимида ишлаб боради.

2025 йил 15 майдаги ҳисобот-сайлов конференциясига юзлаб делегат ва меҳнат фахрийлари йиғилди. Акмалжон Умаров ўз ҳисобо-

тида қилинган ишларни бирма-бир санади. Бу юзлаб инсонлар тақдирини, умидини ва минглаб оилалар дардига шериклик эди.

– Бизнинг куч – бирликда, – дейди у. – Касабаси уюшмаси инсонларни бир-бирига боғловчи, уларнинг ҳаётдаги муаммоларини ечишга қўмаклашувчи улкан оила. 2025 йилда 200 нафар пенсия ёшидаги ҳодимга пенсияга чиқиш олдидан моддий ёрдам берилди. 25 нафарига юбилей санаси муносабати билан қимматбаҳо совғалар тарқатилди. 300 нафар кам таъминланган ёш оилаларга 66 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. 4 та ёзма ва 53 та оғзаки мурожаат ўз муддатига кўриб чиқилди. Натижада 12 нафар Малака ошириш маркази, 7 нафар умумтаълим мактаби ходими ўз вазифарига тикланди.

Акмалжон Умаров фаолияти мобайнида «Нуронийлар эъозимизда» шиори остида учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этди. Юзлаб устозлар ва меҳнат фахрийлари хонадониди бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олди.

Касабаси уюшмаси тизимиди

спорт тадбирлари алоҳида аҳамиятга эга. 2025 йилда волейбол, мини-футбол, шахмат, шашка ва стол теннисини бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Уларда фақат ғолибларгина эмас, барча иштирокчилар тақдирланди.

Бундан ташқари, «Мен бахтлиман», «Барча эзгу ниятларимиз – инсон қадрини учун!» шиорлари остида ҳодимларнинг фарзандлари учун дам олиш оромгоҳлари ташкил этилди. 41 нафар фаол ва ёшлар Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хоразмга саёҳат қилди.

Ишонч – энг улғу бойлик. А.Умаров учун ҳар бир ҳодимнинг ишончини қозониш энг муҳим масала.

– Агар ҳар биримиз инсоф ва виждон билан ишласак, бир-биримизга меҳр ва эътибор кўрсатсак, жамоамиз ва юртимиз доимо раванг топади, – дейди у.

Касабаси уюшмаси раиси ана шундай эзгу мақсадлар билан ўз ишини давом эттирмоқда.

Хуршида НИШОНОВА,
Наманган шаҳридаги 43-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Марҳум бобом, яъни онамининг отаси ўзига тегишли уч хонали квартирани менга ва синглимга васият қилиб қолдирган. Айни вақтда ушбу хонадонга синглимининг вояга етмаган ўғли ҳам рўйхатга кўйилган. Унинг меросда ҳақи борми?

Қодир ТОҲИРОВ
Тошкент вилояти

МЕРОСДА ЖИЯНИМИНГ ҲАМ ҲАҚИ БОРМИ?

ЖАВОБ: Йўқ, синглингиизнинг ўғли марҳум бобонгиздан мерос қолган тураржойдаги улушга эгаллик қила олмайди. Чунки бобонгиз уни васиятнома орқали муайян шахсларга, яъни сиз ва синглингиизга қолдирган. Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Фуқаролик кодексига кўра, мерос қолдирувчининг болалари (жумладан, фарзандликка олинган болалари) ва мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушда ворислик ҳуқуқига эга. Неваралар, яъни синглингиизнинг ўғли бу тарқибга киритилмаган. Бундан ташқари, унинг онаси, яъни синглингииз васият бўйича ўз улушини олиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, васият бўйича ворислик ҳуқуқи қонун бўйича ворисликка нисбатан устувор мавқега эга бўлади. Демак, жианингииз ўша хонадонда рўйхатда туриши ёки тураслигидан қатъи назар, меросда ҳақи йўқ.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Жараён

KASABA KIAT – ОДДИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИ ЭМАС



Бугун дунё миқёсида барча соҳаларда рақамли трансформация жараёнлари жадал суръатларда кечмоқда. Замонавий ахборот технологиялари бошқарув тизимини соддалаштириш, вақт ва ресурсларни тежаш, шунингдек, шифрли маълумотни таъминлашда муҳим воситага айланди. Жумладан, ана шундай эҳтиёж ва замон талаблари асосида Kasaba KIAT платформаси яратилиши муҳим қадам бўлди.

Маълумки, касабаси уюшмалари меҳнатқашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва адолат тамойилларини таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Вақт ўтиши билан уларнинг вазифарлари кенгайиб, ташкилий ишлар ҳажми ортди. Аъзолар сони кўпайгани сари маълумотларни сақлаш, ҳисобот юритиш ва ҳужжат айланишини тартибга солиш янада мураккаблашди. Илгари барча жараёнлар қоғоз шаклида амалга оширилиши кўп вақт талаб қилар, инсон

омили билан боғлиқ хатога сабаб бўлар эди. Kasaba KIAT эса айнан шу муаммоларга замонвий ечимдир. Бу платформа орқали аъзоларнинг ягона электрон базаси шакллантирилади, қарорлар ва баённомалар электрон тарзда сақланади. Ҳисобот таърифи жараёни соддалашиб, юқори ташкилотларга маълумот тақдим этиш тезлашади. Бу эса касабаси уюшмаси фаолиятини шифоф ва самарали ташкил этиш имконини беради.

Платформа яна бир муҳим жиҳати аъзолар билан интерактив мулоқотни таъмин-

лашдир. Аъзолар ўз мурожаатларини электрон тарзда юбориш, ўзларига тегишли маълумотларни кузатиш ва ташкилот янгилликларидан хабардор бўлиш имконига эга бўладилар. Бу эса ишонч ва очиклик муҳитини мустақкамлайди.

Келгусида маъмур платформани янада такомиллаштириш, мобил иловаларни ишлаб чиқиш, автоматик таҳлил ва мониторинг механизмларини жорий этиш орқали касабаси уюшмалари фаолиятини тўлиқ рақамли бошқарув босқичига олиб чиқиш мумкин. Бу нафақат ташкилий ишлар самардорлигини оширади, балки стратегик қарорлар қабул қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Kasaba KIAT оддий ахборот тизими эмас, балки касабаси уюшмалари тизимини замонвий талаблар асосида ривожлантиришга хизмат қилувчи стратегик рақамли платформа. Ушбу тизим орқали вақт тежалани, инсон омилли билан боғлиқ хатолар камади ва ташкилот ишининг самардорлиги янада ошади.

Фотима БОБОҚУЛОВА,
Энергетика, нефть-газ ва геология ҳодимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири

Болога ўзингиз ўқимайдиган китобни ҳеч қачон берманг ва буни қоида билинг.

Бернард Шоу

Бугун юртимизда сайёҳликни ривож- лантиришга катта эътибор қарати- либ, келиб-кетувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу- нингдек, элдошларимиз ҳам дунёни томоша қилишга ошиқмоқдалар. Бу яхши, албатта. Бироқ ёнгинамизда, яъни она диёримизда ҳам бир-би- ридан ажойиб, қадимий маскан- лар борки, уларни кўрган киши бир олам завқ ва бир умрлик таассуротлар олиши мумкин. Шундай гўшалардан бири Хўжайли туманида жойлашган Миздахқан обидасидир.

МИЗДАХҚАН – ЎН ИККИ МИНГ ҚўРҒОНЛИ ҚАЛЪА

қарашли шаҳарлар ичида Гурганж ва Кат қалъаларидан кейинги учинчи йирик марказ саналган. Академик С.П.Толстов тадқиқот- лари натижаларига кўра, мазкур иншоот ў- тмишда халқ орасида Говурқалъа деб аталган ва 9 ғектардан ортиқ майдонга эга табиий те- палик устида қад ростлаган. У қалин девор- лар ва миноралар билан мустаҳкамланган.

Араб сайёҳи Истахрий Миздахқанни Гурганждан икки фарсах, яъни 6-7 кило- метр узокликда жойлашганини ёзиб қол- дилган. Мақдсий эса бу қалъа атрофида 12 000 та қўрғон мавжудлиги ҳақида маъ- лумотлар берган. Урта асрлардаги Хоразм ҳукмдори ва забардаст олим Абулғозий Баҳодирxon эса ўзининг «Шажаъи турк» асарини «Миздахқандан Бокиронга туташ Куйғин деган ергача бугдой экилар эди. Отли одам ўн кунда бугдойзор атрофини айланги кела олмас эди», деб ёзган.

VIII асрда араблар Хоразмга юриш қил-

ганда дастлаб Миздахқанни эгаллаб, у ерда ўз ноиблигини ўрнатадилар. Сўнгра бошқа худудларга юриш қиладилар. Ана шу вақтдан эътиборан шаҳар ўзининг қадимий номи билан бирга Хўжайли деб ҳам атала бошланган бўлиши мумкин.

709 йили хоразмшоҳ Чагоннинг укаси Хур- зод Миздахқанни макон тугтиб, ҳукмронлик қилгани ҳақида ҳам аниқ фактлар мавжуд. 1219-1221 йилларда эса Чингизxon босқини туфайли шаҳар жиддий талафотга учрайди. XIII асрнинг иккинчи ярмидан бош- лаб эса унда яна ҳаёт гуллаб-яшнайдди. Ол- тин Урта хонлиги даврида Миздахқан «Катта Ипак йўли» халқаро савдо йўналишининг энг муҳим стратегик аҳамиятга эга қалъа- ларидан бирига айланади.

Зардуштийлар давридан қад ростлай бошлаган шаҳарда ўрта асрларда Етти қори, Мазлумxon сулу, Абдурахмон Шаламон, Ша- мун Наби ва унинг боласининг қабри, Қирқ

чўпон, Пирим эшон мадрасаси каби обида- лар тикланди. Қизиғи шундаки, бу тарихий обидалар еростида жойлашган бўлиб, сай- ёҳларда ўтмиш аждолларимизнинг метмор- чилик салоҳияти ҳақида аниқ тасаввур уйғо- тади. Ерости шаҳарлари қадим замонларда душмандан химояланишда муҳим аҳамият касб этган.

Ўзбекистон Экологик партиясининг Хў- жайли тумани кенгаши мазкур тарихий мас- канда тозаликни сақлаш, табиатни асраб- авайлаш ва экологик маданиятни шакл- лантириш борасида акциялар, учрашув ва фестиваллар ўтказиб келади. Сайёҳлар бил- лан суҳбатлашиб, уларга экомаданият ҳақида муҳим тушунчаларни берувчи буклет ва ри- солалар тақдим этади.

Миздахқанга ташриф буюрувчи сайё- ҳларни қадимий обидадан бир қадам нари- даги Амурдэр буйларини ҳам томоша қилишга таклиф қиламиз. Бу ерда улар Оролбўйи таби- ати, қушлар ва ҳайвонот дунёси ҳақида ҳам муҳим маълумотлар билан танишадилар.

Дарҳақиқат, ўлкаимизнинг ҳар бир гўша- сида бориб кўришга, завқ олишга аризу- лик гўзал масканлар кўп. Фақатгина биз улар ҳақидаги маълумотларни одамларга етқа- зишимиз зарур. Шунда сайёҳлар ташрифи янада кўпайишига хисса қўшган бўламиз.

Гулнора САРИЕВА, Ўзбекистон Экологик партиясининг Хўжайли тумани кенгаши раиси

Тарих тилга кирганда...



Маълумотларга қараганда, Хўжайли шаҳрининг тахминий ёши 2400 йилга тенг экан. У ўтмишда Миздахқан номи билан машҳур бўлиб, таъ- рифи кўплас асарларда учрайди. Бу ерда одамлар эраимиздан олдинги IV-III асрлар- дан бери яшаб келади. X асрда яшаган араб жўрғонолари Ибн Руста, ал-Истахрий ва ал-Мақдсийлар Хоразм салтанатига қарашли Миздахқан қалъаси ҳақида жуда қизиқари маълумотларни бериб ўтмишган. Рус тадқиқотчиси О.Г.Большаковнинг аниқла- шича, Миздахқан хоразмшоҳлар давлатига

РАҚАМЛИ ТАФАККУР ВА БУҒЛАНАЁТГАН ТОМЧИЛАР

Бугун инсоният тараққиётнинг янги bosқичида турибди, яъни сунъий интеллект кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Ҳозир ундан билим олишда, матн ёзишда, иқтисодий ҳисоб-китобларни юриштишда кенг фойдаланилмиш.

тахминан 2260 киложоул иссиқлик ютилади. Мазкур кўрсаткич буғла- нишнинг яширин иссиқлиги си- фатида ўрганилади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир рақамли операция ортида маълум миқдорда сув буғла- ниши содир бўлади.



инновация эмас, балки ресурс хавф- сизлиги билан бевосита боғлиқ иқтисодий омилдир. Шу боис уни фақат самарадорлик ва тезлик ме- зонлари билан эмас, балки экологик барқарорлик ва ресурс хавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳам таҳлил этиш зарур.

Абдулҳамид АКБАРОВ, Тошкент давлат иқтисодий университети катта ўқитувчиси

ЎҚИ, ОДАМ БЎЛАСАН!

– Ҳамроев, нега уйга вазифани ба- жармадинг? – Ёшлар иттифоқи тadbир қиляпти, шунга тайёргарлик кўраётгандик. – Тушунарли, ўтир. Муродова, сен-чи? – Устоз, шеърый китобим чиқаёт- ганди, нашриётга боргандим. Зулфия мукофотига хужжат топширмакчи эдим.

– Ҳўп, ўтир. Аслидин, сен дарсага кечикиб келдинг. Ҳойнаҳой, вазифа- ниям бажармагандирсан? – Уйда чирок ўчиб қолганди. Уэр, шунга килолмайдим. – Олимов, сизларникида чирок ўч- магандир? – Устоз, илгари ҳам айтганман. Мактабини битириб олсам, ишлагани дадамнинг ёнига, Россияга кетаман. – Уйга вазифани ким бажарган бўлса, кўл кўтарсин.

Таҳлил

Дарвоқе, Зарафшон ва Навоий шаҳарларидаги барча мактабларда «FACE-ID» ишлаб турибди. Бу давомат яхшиланганига хизмат қилмоқда. Утган йили вилоят бўйича 12694 нафар битирувчида 48 фоизи талаба бўлиш бахтига эришган. Улар олий ўқув юртурларида киришда ўртча 93,2 балл тўлаб, республикада 2-ўринни қайд этишган. Қувонарлиси, 30 нафар ўқувчи нуфузли хорижий университетларга ўқишга қабул қилинган. Бундан билиш мумкинки, вилоят таълим ти- зимида амалга оширилаётган ислохот- лар ўз самарасини бермоқда.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ «ISHONCH»

Марокли дам олинг, азиз газетхон! Голасал Абдуллаева ижросида «ОНАЖОН» кўшиғи

Қалбимнинг кўрида жойингиз илик, Нурдай ёқимлисиз, сувдайин тиник. Сиз бор бахт сўзининг барчаси тўлиқ, Кўпар кўзларимнинг зиёси, онам.

Ўзбекистон Миллий телерадиопанисси томонидан «Toshkent shahri tele-radio kompaniya» DM «Информацион дастурлар бош мухбирлари» тижариеси Гулнора Азизxon Алимов қизи номига берилган №0748-сонли гувоҳнома йўқолишига сабабни бекор қилинади.

Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона дарса» томонидан 06.04.2017 йилда №502665-сонли рақам билан давлат рўйхати- дан Утган «MAX TEXREZ PROFIL» МЧЖ (СТИР 304803096) ишти- рокичиларининг 2026 йил 30 мартдаги навбатдан ташқари умумий йилгилишида қабул қилинган 7-сонли қарорига асосан жамият устан фонди 119 600 000,00 сўмдан 43 600 000,00 сўмга камайтирил- ётгани маълум қилинади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Довере» газеталари жамоаси тахририят ходими Насриддин Сулаймонович Донабовева укаси Хуснидин Сулаймонович ДОНАБОВЕВ вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. «Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi). Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROVI, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOILOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birmchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonchs»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»). Bosh muharrir Husan ERMATOV. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.